ВАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ 2-бет
МЕҲР-МУРУВВАТЛИ БЎЛАЙЛИК 3-бет
КОММУНАЛ ХИЗМАТИДАН МАМНУНМИСИЗ? 4-5-бетлар
МАҲАЛЛАДАГИ ХАЙРЛИ ИШЛАР 8-бет

ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 69 (10.122) / 2004 ЙИЛ 12 АПРЕЛЬ

## ЎЗБЕКИСТОН-ЛАТВИЯ:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН УФҚЛАРИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7-8 апрель кунлари давлат ташрифи билан Латвия Республикасида бўлди

Ўзбекистон ва Латвия муносабатлари ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳамкорлик ва бирдамлик асосига қурилган, десак, адашмаймиз.

Латвияда истиқлол йўлидаги илк ҳаракатлар бошланган кезлари Ўзбекистон раҳбари бу уринишларни қўллаб-қувватлаган эди. Мустақил Латвия ўз сиёсий ва ҳарбий доктринасини белгилаганида ҳам Ўзбекистон қатъий равишда унинг тарафида турди. Зеро, Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганидек, ҳар бир мамлакат миллий мудофаа ва ташқи сиёсат стратегиясини ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзи белгилаши керак.

Латвия яқинда НАТОга қўшилди. Бу жараённи холис кузатган киши Латвия ўз суверенитетини мустаҳкамлаш учун НАТО сафидан жой олганига амин бўлади.

Сиёсий соҳада Ўзбекистон ва Латвиянинг нуқтаи назари, қарашлари, халқаро муаммоларга муносабати ва ёндашувлари бир хил ёки яқин. Латвия Президенти Вайра Вике-Фрейберга хоним таъкидлаганидек, халқларимизни тарихий синовлар ва олдимизда турган вазифаларнинг муштараклиги бир-бирига боғлаб туради.

Ислом Каримов билан тор доирадаги суҳбат чоғида ҳам, кейинчалик бўлган учрашувларда ҳам Латвия Президенти ўз мамлакатининг Ўзбекистон билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш истагида эканлигини таъкидлади. Халқларимизнинг тарихи жаҳон савдо йўлларининг тараққиёти билан узвий боғлиқ. Бугун мамлакатларимиз келгуси авлодлар ўтмишдаги қийинчиликларга дуч келмаслиги учун халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилмоқда, савдони ривожлантирмоқда. Латвия стратегик мақсадлари йўлида қанчалик қатъий ҳаракат қилмасин, ишончли дўст ва ҳамкорларсиз уларга эришиши амри маҳол. Бундай мамлакатлар орасида бизни аввалбошдан қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон ҳам бор, деди В.Вике-Фрейберга.

Латвия билан ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарблиги иқтисодий асосга ҳам эга. Шу йил май ойида мамлакат Европа Иттифоқи сафидан жой олади. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, Латвия дунё халқларининг Европа оиласига қайта қўшилади. Бунинг негизида мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини жадаллаштириш мақсади мужассам. Ўзбекистон учун эса Европа оиласига йўл янада яқинлашади ва ҳамкорлик учун янги-янги имкониятлар вужудга келади.

Мамлакатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб юритган сиёсати самараси туфайли Ўзбекистон ўз вақтида Латвия ва умуман Болтиқбўйи давлатларининг мустақиллигини қўллаб-қувватлади. Бундай сиёсат самараси ўлароқ мазкур мамлакатлар билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги мустаҳкамланди. Юк ташиш соҳасининг ўзи бунга яхши мисол бўла олади. Ўзбекистон Ғарбга экспорт қилаётган маҳсулотларини Болтиқбўйи, асосан, Латвия бандаргоҳлари орқали жўнатади.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи муҳокама қилинди, ҳамкорлик бугунги вазият, ҳозирги шарт-шароит нуқтаи назаридан яна бир карра кўриб чиқилди. Ўзаро савдо ҳажми ўтган йили 106 миллион АҚШ долларидан ошди. Бу 1998 йилдаги кўрсаткичдан 60 фоиз кўп. Йиллик ўсиш суръати 6-8 фоизни ташкил этмоқда. Лекин бу чегара эмас. Латвияда дунёга танилган саноат корхоналари кўп. Мебелсозлик, қандолатчилик, тўқимачилик каби соҳаларда қўшма корхоналарни янада кўпайтириш мумкин. Ўзбекистон билан Латвия ўртасида товарлар ва хизматлар айирбошлаш учун қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Бироқ бир-биримизга юқори имтиёзли бозор яратишимиз учун ҳали талай ишлар қилиниши керак.

Музокарада бевосита минтақалараро ҳамкорликнинг имкониятларини кенгайтириш масалалари ҳам кўрилди. Тошкент ва Риганинг ўзаро алоқаси расмийлаштирилгани бу йўналишдаги ижобий натижалардан бири бўлди. Сентябрь ойида Рига ишбилармон доираларининг делегацияси Тошкентга келиши кутилмоқда.

Икки мамлакат ўртасида кимё, озиқ-овқат саноати, машинасозлик маҳсулотлари айирбошланади. Лекин иқтисодиёт соҳаси мутасаддилари бу рўйхатни анча кенгайтириш мумкинлигини таъкидлайди. Масалан, Латвияда талаб катта бўлган маҳсулотлар Ўзбекистонда кўп. Булар - газлама ва калава, нефт, мева-сабзавот ва қайта ишланган полиз маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва ҳоказо.

Латвия қатор маҳсулотларимизнинг Европага экспортчиси саналади. Шуни ҳисобга олганда Ўзбекистон Латвия компанияларининг, юқорида қайд этилганлардан ташқари, фармацевтика, енгил саноат, транспорт инфратузилмаси, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги лойиҳаларда ҳам иштирок этишининг тарафдори.

Музокараларда илм-фан, маданият, спорт, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорлигимизни кенгайтириш имкониятлари ҳам кўриб чиқилди.

Ташриф асносида Ўзбекистон-Латвия муносабатларининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди. Шу чоққача мавжуд ҳукуматлараро ва идоралараро 31 келишув қаторига яна бешта янги ҳужжат қўшилди. Ўзбекистон ва Латвия ўртасида консуллик конвенцияси, ноқонуний яшаб юрган шахсларни қайта қабул қилиш, Тошкент ва Рига шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик, Ўзбекистон Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан Латвиянинг Инсон ҳуқуқлари бўйича давлат бюроси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Латвиянинг «Парекс» банки ўртасидаги ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Бу билан Шенген зонасига кирувчи Латвия билан бордикелди қилиш тартибга солинди, икки мамлакат пойтахтларининг бевосита алоқасига кенг йўл очилди, сармоядорларнинг янада кенгроқ мулоқоти учун қўшимча имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон раҳбари Латвия Сейми (парламент) раиси Ингрида Удре хоним, бош вазир Индулис Эмсис, Рига думаси раиси Гундарс Боярс билан учрашди. Ушбу музокараларда асосий эътибор ўзаро муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш масалаларига қаратилди. Латвия Сейми ҳузурида «Ўзбекистон-Латвия дўстлиги ва ҳамкорлиги» гуруҳи фаолият кўрсатади. Сейм раиси билан қонун чиқариш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, алоқаларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш масалалари муҳокама этилди. Бош вазир билан мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий муносабатлари, Рига мэри билан пойтахтлар ҳамкорлиги борасида фикр алмашилди.

Латвияга ташрифнинг муҳим воқеаларидан бири Рига марказидаги «Кронвольда» боғида Мирзо Улуғбек ҳайкалининг очилиши бўлди. Бу латишларнинг Ўзбекистон миллий-маданий ва илмий меросига катта эҳтиромидан далолатдир. Ислом Каримов шу воқеа муносабати билан ўтказилган маросимдаги нутқида буюк бобомиз Мирзо Улуғбек ҳайкали Ўзбекистон ва Латвия дўстлигининг рамзи бўлиб қолишини таъкидлади.

Президентимиз самолёти Рига аэропортига қўнганида ер нам, лекин ҳаво очиқ эди. Яқиндагина ёмғир ёққани сезилиб турарди. Эртаси куни - Мирзо Улуғбек ҳайкали очилган чоғда қуёш чарақлаб турди. Ислом Каримов маросимдаги нутқида мусаффо осмонга ишора қилиб, ёруғ юз ва яхши ният билан келганимизни осмон ва табиат ҳам тасдиқлаб турибди, деди.

Ригада Президентимизга Халқаро мукофотлар жамғармасининг «Мўъжизакор Николай» ордени тақдим этилди. ЮНЕСКО ҳамкорлигида Украина, Швеция, Италия томонидан таъсис этилган, турли халқаро ташкилотлар томонидан молиялаштириладиган мазкур жамғармага Италия тиббиётининг фахрий доктори Константин Бобришчев раҳбарлик қилади. «Мўъжизакор Николай» ордени тинчликни мустаҳкамлашда, халқлар фаровонлиги йўлида катта хизмат кўрсатган шахсларга берилади. Шу чоққача ушбу орден билан Тереза момо, Иоанн Павел Иккинчи, Кофи Аннан, Гелмут Кол, Леонид Кучма каби таниқли арбоблар тақдирланган.

К.Бобришчев орденни топширар экан, Ислом Каримов халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги улкан хизматлари учун жамғарма кенгаши томонидан шу мукофотга сазовор топилганини таъкидлади. У Ўзбекистон раҳбари ўз мамлакатида 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилгани ибратли воқеа эканлигини алоҳида қайд этди.

Президент Ислом Каримовнинг Латвияга давлат ташрифи истиқболдаги кўплаб хайрли ишларга кенг йўл очди. Латвия матбуотида «Президент Каримов доим Латвия мустақиллиги тарафдори бўлган», деган жумлани кўп учратдик. Буларнинг барчаси ўзаро хайрихоҳликдан, ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга кучли иштиёқдан ва мамлакатимиз раҳбари истиқлолни мустаҳкамлаш борасида қатъият билан юритаётган изчил сиёсатдан далолатдир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Рига-Тошкент.**
**ЎзА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманида шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш маркази ўз фаолиятини бошлади. Марказдаги турли йўналишлардаги тўртта бўлим замонавий тиббий ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган.**

**• «Саломатлик-2» дастури асосида Бухоро туманидаги О.Убайдов номли ширкат хўжалигининг Навметан қишлоғида шифокорлик пункти очилди ва дастлабки беморларни қабул қила бошлади.**

**• Хўжайли тумани марказида «Файз маркет» савдо маркази иш бошлади. Марказдан кундалик эҳтиёж моллари, техника воситалари, спорт анжомлари ва уй-рўзғор буюмлари кенг ўрин олган.**

**• Сурхондарё вилоятидаги Россиянинг «Уралхимпласт» компанияси билан ҳамкорликда очилган «Ангорпласт» хусусий корхонасида аҳоли ўртасида талабгир бўлган калиш ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

### Жаҳонда

**• Африка қитъасидаги энг йирик мамлакатлардан бири — Жазоирда Президентлик сайлови бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга кўра амалдаги Президент Абдулазиз Бутифлика энг кўп овоз олиб ғалаба қозонди.**

**• Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатида Халқ демократик партияси томонидан ташкил этилган сайловолди митинги пайтида террорчилик ҳаракати амалга оширилди. Жангариларнинг аҳолига қарата граната улоқтиришлари натижасида 9 киши ҳаётдан кўз юмди, камида 80 киши жароҳатланди.**

**• Япониянинг Хоккайдо оролида Рихтер шкаласи бўйича 5,7 баллик зилзила рўй берди.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтида файласуф олим Иброҳим Мўминов таваллудининг 95 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

• **ЮНУСОБОД** туманида жойлашган 21-меҳрибонлик уйига поляк миллий маданият маркази томонидан Меҳр ва мурувват йили муносабати билан эсдалик совғалари топширилди.

• **БРИТАНИЯ** кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ходимлари билан Ўзбекистон телевидениеси ижодкорлари иштирокида уюштирилган учрашув ёшлар тарбиясига оид мавзуларда кўрсатувлар тайёрлашнинг аҳамияти масаласига бағишланди.

• **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Ориповнинг талабалар билан учрашуви уюштирилди.

• **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институти қошидаги академик лицейда ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида «Темурийлар тарихи сулоласини ўрганамиз» мавзуида тадбир уюштирилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Қилинган насиҳат қабул шарафига мушарраф бўлмаса бунинг иллати кўпроқ насиҳатгўйнинг нуноқлигига боғлиқ. Чунки олим комил бўлса, қилган ваъз-насиҳатнинг остида бирор ғарази бўлмаса, эшитувчининг қабулига муяссар бўлади.

**Байт:**

**Насиҳатин таъсири**
**бўлмаса ҳеч кишига,**
**Таажжубмас, дилида**
**ғарази бор кишининг.**
**Яхши камон бўлса-ю**
**камонгар уста бўлса,**
**Ўқи нишонга тегмай**
**қолмас зинҳор кишининг.**

● **Ҳикмат.** Ҳар кимнинг феълу атворида нуқсон бўлса, унинг қилган ваъзу насиҳатини ҳеч ким қабул қилмайди.

**Байт:**

**Сўзларингни**
**эшитмаса ҳеч кимса,**
**Бехудага чекма**
**жабру жафони.**
**Ўз нафсингга ўқи**
**аввал насиҳат,**
**Токи бузмай юрсин**
**аҳду вафони!**

● **Ҳикмат.** Ҳар ким туҳматчилар қаторида ўтирса, уни туҳматчиликда айбласалар, ўзидан хафа бўлсин. Ҳар ким ўз сирини яширса, надомат ва пушаймонлик тортмайди. Бу ҳақда яхши айтганлар:

**Ошкор қилиб бўлмас**
**сирларинг бўлса,**
**Дилингга жойла-ю**
**унга муҳр бос.**
**Эл оғзига тушгач,**
**зиёни кўпдир,**
**Икки лаб ичидан**
**сир чиқса бехос!**

●Ёлғондан ичилган қасамнинг охири хорликдир. Ўлим хавфи бўлса ҳам, ҳамиша рост сўзламоқ керак.

● Доимо парҳезгар ва доно кишилар билан маслаҳатлашмоқ керак.

**Байт:**

**Насиҳатим бўлса**
**беғараз,**
**Жони билан тинглайди**
**киши.**
**Фойдами ё зиён**
**барибир,**
**Тинглайвериш**
**бефаҳм иши!**

● **Ҳикмат.** Аристотель шундай ёзади: «Иззат тиласанг иффатли бўл, улуғлик тиласанг мулойим бўл, зафар тиласанг адолат йўлини тут, қадр тиласанг ростгўй бўл, нажот тиласанг сабр қил, илм ўрганмоқчи бўлсанг жиддужаҳд қил!»

**Байт:**

**Дунё моли гўё**
**булут сояси,**
**У ёндан бу ёнга**
**ўтар ҳар замон.**
**Шунинг учун молнинг**
**эътибори йўқ,**
**Бир онда ўзгариб**
**қолар ногаҳон.**
**Хушёр киши шундай**
**кишики доим.**
**Топганини элга**
**қилади эҳсон.**

*«Бахт-иқбол ҳуқуқига эгаман» танловига*

# МЕҲР ИЧРА ЯНА БИР МЕҲР

***Етти тош йўлидан кафтдек кўриниб турган сарҳадиазим Тошкентнинг фалакка бўй чўзган кўркаму муҳташам бинолари, қалин соя ташлаган тинч, осойишта йўлагидан рўмоли учларини ўйноқлаб эсаётган насимга парво қилмай бир кампир кетиб бораётир!.. Нима ҳам қила олсин? Оёғи ўша ёққа тортиб турса?!***

Унинг учун дунё бир қадам бўлиб қолган, керак бўлса, бир эмас-ўн бор қатнайди, юз бор қатнайди, фақат невараларидийдорига тўйиб-тўйиб олса бўлгани, иккиси икки бармоғи, икки эгизак неварася — юрагининг икки эгаси, кошкийди, кўрпа бўлса-ю иккисига ёпса, ҳамма-ҳаммасига рози, фақат уларнинг соғлиғини Худодан сўрар, бахтини кўрсам, дейди ахир, чироғини ҳам шулар ёқади-ку!..

Кампир бирдан йўқ бўлиб қолса, билишади қўшнилари унинг қаердалигини, ҳозир ўтиргандир неваралари билан чақчақлашиб... Улар орқамда қолсин, деб шу ишга қўл урди. Хўш, бунинг нимаси ёмон?!

Баъзан қариган чоғимда невараларини меҳрибонлик уйига топширибди, деган маломатга қолмасам бўлгани эди, деб ҳижолат ҳам тортарди. Ўзини-ўзи койиб ҳам қўярди. Хайрият, бу ноиложлик ва ночорликни аксарият кишилар тўғри тушунди, кампир оқилона йўл тутди, деб уни ёқлашди. Барибир ҳамият кучли!.. Юз томонини ўйлаб, тарози посангисига қўйиб кўрди, ўйлаб-ўйига етолмайди. Ўзга чораси ҳам йўқ эди. Борди-ю жудолик, қайғу-ғам юкини кўтаролмай дунёдан кўзи юмилиб кетганда-чи... У ҳолда норасида невараларининг ҳоли не кечарди?! Йўқ-йўқ, Худо ўзи асрасин, энг аввало шу ёғини ўйлаб иш тутди-да кампир!

Бирдан сўнаётган умидлари алангаолса денг, энди юзта жони бўлса, ҳаммасини бири-биридан ширин икки неварасига беришга тайёр! Фақат уларнинг соғ-омонлиги, бахт-иқболи, камоли ва фароғатини кўрса бас!..

«Тилига чиқармаса ҳам дилида ўғли билан келинининг автоҳалокатга учраб фожиали ўлимидан кейин кампир руҳий тушкунликка тушиб, ғам-ғусса ичида адойи-тамом бўлади», деб хаёл қилганлар унинг ҳаётга, яшашга бўлган интилишини фақат невараларини учунгина яшаётганини кўриб, ҳам қувонишди, ҳам ҳайратга тушишди. Балога сабр, қазога шукр керак, дейдилар.

Йўқ, ўғлининг кетидан ўлиб бўлмаскан!.. Фалокат оёқ остида экан: етти ухлаб тушига кирмаган қайғую изтиробларга тўла воқеалар кўз очиб-юмгунча содир бўлса?! Дунёга қўл силтагандай келишдию кетишди!.. Осонми, кампирнинг жону жаҳонини ўртаб юборди-ку ахир, бу оғир йўқотиш!.. Буёқда ота-онаси дийдорига тўйиб-тўймасдан икки невараси кимни кўрса, «ада, адажон», «ойи, ойижон», деб полапонлардек талпиниб турishса... О, бу орзиқиш-у талпинишлар, аламли нидолар бувисининг юрак-бағрини анордек эзишини Ҳасан-Ҳусанлар қаёқдан ҳам билишсин?! Паҳлавон Маҳмуд айтганидек, ҳамма дарддан кўра айрилиқ ёмон!..

Фил ҳам кўтаролмайдиган оғир жудоликни, эвоҳ, онаизор кўтарди, она, онада!.. Кун-узуккун тўшакда ётиб, оҳ-воҳ ураверишОллоҳга ҳам ёқмайди, энди буёғига неваралари ҳақида қайғуриши керак! Шундай ҳам қилди, дунёдан ҳали умидлари жуда кўп!

Мусибатдийда кампир учун меҳрибонлик уйига келиб-кетиш одатий бир ҳолга айланган!.. Ҳозир ҳам иссиққина юпқасини тезроқ етказиб оборса-ю, невараларри оғзига тутса!..

Хаёл қурмағур юракдаги изтиробларни яна қўзғайди. Э, Оллоҳим, гуноҳларим шунчалик кўпмидики, бирварақайига ўғлим билан келинимни бағримдан юлиб олиб, икки норасида боласини етим қолдирсанг, қайси гуноҳларим учун бу кўргуликлар бошимга дўлдек ёғилса, э, фалак!.. Бундан кўра омонатингни олсанг бўлмасмиди?!. Йўқ-йўқ, чўчиб тушди кампир, нима деб валдираяпман, невараларимчи, улар нима бўлади? Тавба, тавба... Қани энди Ҳасан-Ҳусанларим юрган йўлни сочларим билан супуриб, чангига кўз ёшларимни сув қилиб сепсам...

...Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ бўлишини кампир ўз бошидан ўтказа бошлади. Қувонч билан бошланиб, қувонч билан тугайдиган кунлар ҳам бор экан-ку! Энди ана шу фараҳбахш ширин дамларнинг ҳар бир дақиқасини қўмсаб яшайди.

Меҳр-оқибатли ён қўшнилар-жон қўшнилар, саховатпеша таниш-билишларнинг ҳиммати-ю марҳаматини айтмайсизми, хабар олганлар ҳам шулар, кўнгил сўраганлар ҳам шулар...

— Саломат хола, соғ-омон бормисиз? Неваралар қалай, яхши юришибдими?

— Худога шукр, тупроқдан ташқари, яхши-яхши, раҳмат!.. —дейди калта қилиб.

Қўшнисининг бир ажойиб келини бор, исми ҳам чиройликкина — Насиба, шу денг, кампирнинг уст-бошини ювиб, уйжойини супуриб-сидириб, тартибга солиб, қарашиб туришдан ўзини четга олмайди, барака топсин, бир коса иссиқ овқатини ғизиллаб ташлаб кетади, баъзан кампирга билдирмай секингина бориб, невараларидан ҳам хабар олиб келади.

Ҳамма ўтади, ўтмайдиган одам йўқ бу дунёдан, қани энди одамлар доим мана шундай бир-бирига меҳрибон бўлса, бирбирини қадрлаб, ҳурмат қилса, беш кунлик дунёда меҳр-оқибатли, мурувватли бўлса, бир-бирини мана шундай оғир пайтда қўллаб-қувватласа, ёрдамини аямаса... Кампир дуо қилгани-қилган!..

Таниш эшикдан оҳиста кириб борган кампир болажонларнинг қийқиришиб ўйнаётган «Оқ теракми, кўк терак»ига дуч келди. Икки сафга тизилиб, қўл ушлашганлар орасидан кампир дарров невараларини таниди. Саф бошлиғи қарши томонга қараб: «Оқ теракми, кўк терак, биздан сизга ким керак?» деркан, қарши томондан: «Ҳасан билан Ҳусан керак», дейиши билан улар сафдан ўқдек отилиб жонжаҳдлари билан қарши томонга ўзларини уришди, сафни иккига узиб юбордилар ва икки болани етаклаб ўзлари томонга олиб кетишди, ўйинга шу қадар берилиб кетишганидан бувисини ҳатто кўришмади ҳам. Шу ҳаяжонли дақиқаларда бу ёруғ олам қувончи болаларнинг шўх қийқириқларига кўмилиб кетгандек, бутун дунёни унутгандай шавққа берилишган. Ўйин анча давом этди, кампир бир чеккада ўтириб олиб, мазза қилиб томоша қилди. Невараларининг ўттиз уч томирида отаси қони жўш уриб, кучга тўлиб, абжир бўлиб боришаётганидан кампир бирам қувонди-бирам қувонди!..

Ўйин тугаши билан Ҳасан билан Ҳусан бувижонисининг бағрига отилишди. Ҳар кулиб боқишганида ичига чироқлар ёқилгандай бўлди. Бир кун кўришмаса, ичикишади. Кампир шукроналар айтиб, қувонади: нуридийдаларим бахтли, ҳеч нарсадан каммас, ҳатто бошларига пашша қўнса қўриқлайдиган меҳрибон қўллар бор бу ерда, бир гапириб, ўн кулишяптими, демак, яхши!.. Қани овози етса-ю, бутун дунёга жар солиб, чексиз шоду хуррамликларини тўкиб солса... Ана бошига оғир кун тушганда сабр-чидам тилаган етти ёт бегона киши қўлида тугуни билан оҳиста улар томон юриб келмоқда.

Одамзоднинг ҳар елкасида биттадан фаришта ўтирармиш, ўнг елкасида ўтирган фаришта савобли ишларни, чап елкасида ўтирган фаришта эса унинг гуноҳларини ёзиб борармиш... Ана шуларни хаёлидан ўтказаркан кампир ҳозиргина невараларига инъом-у эҳсон улашган ҳалиги кишига қараб, сизнинг ўнг елкангизга Худойи таоло иккита фаришта қўйса ҳам камлик қилади, дея дуо қила бошлайди. Кампир бунақанги гапларнинг кони!..

Дарвоқе, донишманд айтмоқчи, яхшилик кўрган гапирсин, яхшилик қилган эмас!.. Чиндан ҳам оғир кунларда йиртиғига ямоқ, узуғига улоқ бўлганга не етсин?

Ғазал мулки султони, улуғ шоир Алишер Навоий ҳам айтадур:

**Кимки бир кўнгли бузуқнинг**
**хотирин шод айлагай...**
**Онча борки, каъба вайрон**
**бўлса обод айлагай...**

Ҳали униси, ҳали буниси эртани-эрта, кечни-кеч демай хабар олиб турившиди. Борган сари болалар қадри ортиб боряпти. Ҳеч ам унутилмайдиган суннат тўйичи... «Бу азамат бола, йиғламайди, йиғлаётгани йўқ, тойчоқ бола», деб неваралари бошида парвона бўлганларнинг бирини таниб, бирини танимай ҳам қолди кампир, бунинг устига улар ҳисобига қандайдир варақалар ҳам очилибди ўшанда. Вой-бў, бир болага шунча ғамхўрлик-а! Бунақаси ҳеч замонда бўлганми ўзи? Кампир қувонганидан, одам-одамга қайишадиган замонингдан ўргилай, деб шукроналар айтди.

Меҳр ичра яна бир меҳр шу бўлса керак!..

Сийлаганни Яратганнинг ўзи ҳам сийлайди.

**Миршароф МУҲСИМОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

# ЎЗБЕКИСТОНЛИК САНЪАТКОРЛАР — ҲИНД ДИЁРИДА

***Ҳиндистонда мамлакат Маданий алоқалар кенгаши томонидан ташкил этилган II-Халқаро суфий фестивали бўлиб ўтди. Ушбу фестивалда Миср, Афғонистон, Эрон санъаткорлари билан бир қаторда ўзбек мумтоз қўшиқларининг моҳир ижрочиси — Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева етакчилигидаги гуруҳ ҳам иштирок этди.***

Ҳинд халқининг ижро этиш санъатига, хусусан, куй-қўшиқларга ўзгача меҳр-муҳаббат билан қараши кўпчиликка яхши маълум. Шунинг учун бўлса керак, ҳиндистонликларнинг аксарияти мусиқаю қўшиқни нозик ва теран ҳис қилади. Айниқса, Муножот Йўлчиева ижро этган «Ишқ», «Муножот», «Ўлтурғуси» ва бошқа мумтоз қўшиқлар мухлисларнинг гулдурос қарсаклари билан тез-тез бўлиниб турди. Бу эса маҳаллий халқнинг ўзбек қўшиқчиси маҳоратига эҳтиром белгиси бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шавкатжон Мирзаев бошчилигидаги созандаларнинг Муножот Йўлчиева ашулаларига нафис жўрлиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Жўрабоева ижросидаги жозибали рақслар ҳам ҳинд санъатсеварларида чуқур таассурот қолдирди.

— Биз бутун оиламиз билан Муножотхоннинг мухлисимиз, — дейди таниқли дипломат, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Далип Меҳта. — Тошкентдаги фаолиятим пайтида унинг ижросидаги ашулаларни кўп маротаба эшитишга муяссар бўлганман. Ҳозир ҳам М.Йўлчиеванинг қўшиқларини бутун оиламиз билан севиб тинглаймиз. Чунки, қўшиқ дилдан чиққандагина дилларга етиб боради. Муножотхон юксак ижрочилик маҳоратига эга бўлган қўшиқчидир.

Ўзбекистонлик санъаткорлар мазкур фестиваль доирасида мамлакатнинг Чандигарҳ, Жамму ва Ҳайдаробод сингари шаҳарларида ҳам ўз санъатларини намойиш этдилар.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**«Жаҳон» АА,**
**Деҳли.**

# УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: истиқбол ва муаммолар

*Қарор ва ижро*

## ТЕЖАЛГАНИ ЎЗИМИЗГА ФОЙДА

***Ҳаётимизни сувсиз тасаввур эта олмаганимиздек, кундалик ҳаётимизга сингиб кетган «зангори олов», электр энергияси сингари қимматбаҳо бойликларимиз ҳам ҳар биримиз учун қадрли. Лекин ушбу бойликларни керак-кераксиз, ҳуда-беҳуда ишлатиш, исрофгарчилигига йўл қўйиш аввало ўзимизга, қолаверса, келгуси ҳаётимизга зарар.***



Шу боисдан ҳам уларни тежаб-тергашда, исрофгарчилигининг олдини олишда бугунги кунда «Ҳисобли дўст айрилмас» иборасига амал қилган ҳолда ўрнатилаётган ҳисоблаш ускуналарининг ўрни алоҳидалигини тажриба исботламоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашнинг аҳамияти каттадир. Қарорда хонадонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатишнинг жорий йил охиригача ниҳояланиши кўзда тутилган. Ана шу режа амалга ошса, қимматбаҳо табиий газ тежалиши баробарида бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир истеъмолчи сарфига яраша ҳақ тўлаш имкониятига эга бўлади.

Ушбу мақсадни амалга ошириш йўлида «Тошшаҳаргаз» ҳудудий газ таъминоти корхонасининг «Акмал Икромовгаз» филиалида ҳам туман маҳаллаларидаги якка тартибдаги ва кўп қаватли уйларнинг хонадонларига газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатиш ишлари давом этмоқда. Туманда газлаштирилган хонадонлар сони 54460 тани ташкил этиб, ўтган йилларда 23 мингтага яқин газ ҳисоблагичлар ўрнатилди. Шу боисдан ҳам жорий йилдаги юмушлар ўта масъулиятли, негаки, ҳисоблагичлар ўрнатишда тезкорлик ва самарага эришилмаса, кўзланган мақсаднинг ижроси таъминланмайди.

— Газ ҳисоблагичлар ўрнатишдаги сусткашликларнинг асосий сабаби, — дейди филиалнинг ҳисоблагичлар ўрнатиш бўйича устаси Искандар Шамсиев, — биринчидан асбобнинг ўз вақтида етказиб берилмагани бўлса, иккинчи муаммо бу борада истеъмолчилар ўртасидаги тушунмовчилик, тўловлар, ўрнатилган ҳисоблагичлар ҳақининг ўз вақтида тўланмаётганидир. Кўпчилик истеъмолчилар «Газ ҳисоблагичлар бепул қўйилиши керак, қарорда шундай дейилган», сингари нотўғри тушунчалар билан ишимизга халал бераётгани рост. Уларга тушунтириш учун эса анча вақт кетади. Ваҳоланки, ана шу 99-қарорнинг 4-иловасида аниқ-лўнда қилиб: **«Ўзкоммунхизмат» корхонаси томонидан сотиб олинган газни ҳисобга олиш приборлари аҳоли квартираларига ва якка тартибдаги уйларга ўрнатилади. Кейинчалик уларнинг қиймати истеъмолчи томонидан кафолатли муддат мобайнида тўланади...»** деб айтиб қўйилган.

Фурсатдан фойдаланиб истеъмолчиларга шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хонадонларга газ ҳисоблагич ўрнатишда истеъмолчиларга берилаётган имконият ҳам эътиборга моликдир. Негаки, ҳисоблагич ўрнатилгач, шартномага кўра ускунанинг нархи бирданига ёки ўрнатилган асбобнинг кафолат муддати мобайнида тўловни ўзгартириш ҳисобига амалга оширилади. Бунда ҳар бир истеъмолчи ўз имкониятидан келиб чиқиб тўловни бажаради. Ҳисоблагични ўрнатиш учун кетадиган сарф-харажатлар эса бирданига ҳақ тўлаш ҳисобига бажарилиши кўзда тутилган.

Ана шу қоидаларни истеъмолчиларга тўғри тушунтиришга интилиб, бу борада маҳаллалар оқсоқол ва фаоллари кўмагига таянаётган филиал ходимлари жорий йилнинг биринчи чорагида мингтага яқин хонадонларга тежамкорлик ускунасини ўрнатишди. Йилнинг иккинчи чорагидан эса ушбу йўналишда жадал ишлашга асосий эътибор қаратилади. Айни кунларда тумандаги Раҳимбобоев кўчасидаги, 30-мавзедаги кўп қаватли уйларнинг хонадонларига, «Қозигузар», «Катта қаъни» маҳаллаларидаги хусусий уйларга газ ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда. Бу ишда «Ал-камар», «Азизжон-Интер» хусусий корхоналари, «Ўзбекгазсувқурилиш» акциядорлик жамияти ҳамда филиалнинг газ пайвандлаш бригадалари аъзолари сифатга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу билан бирга туман газ ходимлари келгуси кузги-қишки мавсум тайёргарлиги ишларини ҳам бошлаб юборишди. Аҳолини газ билан таъминлаш ишларини яхшилаш мақсадида ўтган мавсумда газ танқислиги сезилган маҳаллалардаги кўчаларга қўшимча газ қувурлари тортилиб, газ тартиблаш пунктлари ўрнатилмоқда.



Ўтказилган мониторингларда шу нарса яққол кўзга ташланмоқдаки, газ ҳисоблагичлар ўрнатилган хонадонларда тежамкорлик, исрофгарчиликка йўл қўймасликка эътибор қаратилгани боис ҳам бирмунча маблағ тежалмоқда. Муҳими эса керакли бойлигимиз — табиий газнинг қадрига етилмоқда. Келгусида олиб бориладиган ишлардан кўзланган асл мақсад ҳам шу — тежамкорлик, исрофгарчиликнинг олдини олиш. Чунки тежалгани ўзимизга фойда.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: газ-пайвандчи Шухрат Шорасулов хонадонга газ ҳисоблагич ўрнатмоқда; тумандаги 15-мавзе, 28-уй, 25-хонадон соҳибаси Нурия Исяновага чилангар Рустам Холиқов газ ҳисоблагичдан фойдаланиш қоидаларини тушунтирмоқда.**

*Ободонлаштириш*

## ҲАМЖИҲАТЛИКДА БАЖАРЯПМИЗ

***• Илҳом ХУДОЙБЕРГАНОВ, Ҳамза туманидаги «Меҳри-турон» уй-жой мулкдорлари ширкатининг ободонлаштириш бўлими устаси:***

— Ширкатимиз ходимлари бу йил қишнинг илиқ келишидан унумли фойдаланиб, ободончилик ишларини анча барвақт бошлашди. Шу боисдан ҳам бугунга келиб кўчаю ҳовлиларимиз, кўп қаватли уйларимиз ён-атрофлари, болалар майдончалари тартибга келтирилди, 300 тупдан ортиқ дарахтларга шакл берилди, ариқларимиз турли чиқиндилардан тозаланди. Бу борада нафақат фаррошларимиз, балки уй бошқарувчилари билан келишилган ҳолда яшовчиларнинг ўзлари ҳам фаоллик кўрсатяпти. Биз ҳар бир хонадон аъзоси онгида «Ўзим яшаётган уйни, маҳаллани обод этишда, авайлаб-асрашда менинг ҳам улушим бўлсин», деган тушунчанинг шаклланишига эришмоқчимиз.

Мана, бугунги кунда ҳудудимиздаги 10 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахтларни оқладик. Шу билан биргаликда яшовчилар кўмаги билан яна 600 туп турли дарахт кўчатлари ўтқаздик. Болаларимиз учун ажойиб ўйин майдончаси, яъни дам олиш масканини бунёд этдик. Ҳар бир кўча, ҳар бир уй ён-атрофида баҳор, ёз, куз ойларида ранг-баранг гулларнинг очилиб туришига эришиш ниятида турли гул кўчатлари экдик. Йўлакларимиз тоза ва покизалигини сақлаш, ўриндиқларни таъмирлашни эътиборга олаяпмиз. Ушбу ишларнинг асосий қисмини хонадон соҳиблари, ширкат аъзолари билан бамаслаҳат ҳашарлар уюштириб бажараяпмиз. Мақсадимиз ҳар бир ширкат аъзоси ўтказилаётган мана шундай ҳашарларимизда бажонидил қатнашишига эришиш, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини уюшқоқликда ўтказишдир. Уйларимизнинг кўркамлиги, ҳудудимизнинг покиза ва орасталиги нафақат ходимларимиз саъй-ҳаракатига, балки яшовчиларнинг фаолликларига ҳам боғлиқлигини унутмаган ҳолда айтиш керакки, ҳар бир юрагида ғайрати бор инсон ўтказилаётган ҳашарларда иштирок этиши, бу — бизнинг яшовчилар билан ҳамжиҳатлигимиз самарасидир. Бу эса ободлик, фаровонлик гарови бўлади. Фақат бугун эмас, балки ободонлаштириш, покизалик ишларини йил бўйи амалга ошириш, уйларимизни ораста сақлаш ниятидамиз. Бу борада эса албатта ходимларимиз кўмагига таянамиз.

*Нигоҳ*

## ШУ ҲАМ ИНСОФДАНМИ?

***Бугун шаҳримиз шоҳкўчалари чорраҳаларида, улкан иншоотлар ён-атрофларида, бекатларимизда катта-катта, ўзига хос шаклдаги турли-туман гултувакларга экилган, қуёшнинг илиқ нурларидан, баҳор ифоридан баҳра олиб очилиб ётган турфа гуллар барчага завқ бағишлайди.***

Ана шундай бекатларда гулларга ҳавас билан термулиб турар эканман, гултуваклар олдида сигарет чекиб турган ўсмир йигитлар эътиборимни тортди. Улар сигарета тутунини буркситиб, кулини гултувакларга тўкарди. У ҳам етмагандай, чекиб бўлишгач, сигарет қолдиғини гултувак ичига, очилиб турган гуллар тагига ташлашдию бекатда тўхтаган автобусга шошилиб чиқиб кетишди. Менинг эса уларга «Бир қадам нарида ахлат қутиси турибди, шунга ташласаларинг бўлмайдими», деб айтмоқчи бўлган гапим оғзимда қолиб кетди. Сигарет қолдиқларини олиб ахлат қутисига ташлаш ниятида гултувак ёнига яқинлашдиму жуда хафа бўлиб кетдим. Нега дейсизми? Негаки бу ерда ёнма-ён қўйилган гултувaклардаги гуллар ости тупроқлар аллақачон сигарет қолдиқлари, писта пўчоқлари ва бошқа майда-чуйда ахлатлар билан тўлган эди. Ваҳоланки, бекатга ўрнатилган ахлат қутиси эса бўш турибди.

Бу беparволикми ёки ноинсофлик?! Ахир гул гўзаллик рамзи. Унинг гўзаллигидан завқланмаган, ҳидидан маст бўлмаган одам камдан кам топилса керак. Кўчаларимиздаги чиройли гултувакларда очилиб турган гулларни экиш, парваришлаш учун анчагина маблағ ажратилади. Буларнинг барчаси жонажон шаҳримиз кўрки-жамолини таъминлаш, шунинг баробарида кўрган кўзларни қувнатиш ниятида амалга оширилади. Лекин улардан завқланиш, авайлаб-асраш ўрнига зарар етказиш, қуриб-қақшашига сабабчи бўлиш инсофданми? Ахир ўз хонадонимизда ҳеч биримиз дуч келган жойга, айниқса, тувакдаги гуллар тагига ахлат ташламаймизку. Кўчалардаги гулларга ҳам ана шундай эътиборда бўлсак, азиз пойтахт жамолига ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшган бўламиз. Бундан ташқари бир-биримизнинг меҳнатимиз қадрига етсак, фойдадан ҳоли бўлмайди.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

*«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар*

## «АРИҚЧАМИ ЁКИ АХЛАТХОНА?»

***Газетамизнинг 2004 йил 11 февраль сонида чоп этилган «Ариқчами ёки ахлатхона?» номли мақолада шаҳримиз кўчаларидаги айрим бетон ариқчалардаги нохуш аҳвол, фаррошларнинг бепарволиклари танқид қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан айрим мутасадди ташкилотлардан жавоблар олинди.***

«Махсустранс» ишлаб чиқариш бошқармаси давлат унитар корхонаси раҳбари Б.Мамадалиев имзоси билан келган жавоб мактубида шундай дейилади: «Танқидий мақола автокорхоналар раҳбарларининг йиғилишида кўриб чиқилиб, муҳокама этилди. Бошқармамиз корхоналарининг туман ободонлаштириш бошқармалари билан тузилган шартномаларига кўра чиқинди ва ахлатларни олиб кетиш учун ҳар куни маълум миқдорда автотранспорт воситалари чиқарилмоқда. Шунингдек, туман ободонлаштириш бошқармаси буюртмаси асосида қўшимча автотранспорт воситаларини ажратиш вазифаси раҳбарларга юклатилди. Улар ирригация шохобчалари ва кўчаларни тозалашда тўпланган ахлат ва чиқиндиларни олиб кетишга хизмат кўрсатиши кўзда тутилди».

* * *

«Тошкент оқшоми» газетасида чоп этилган «Ариқчами ёки ахлатхона?» сарлавҳали танқидий мақола Акмал Икромов тумани ҳокимлиги томонидан коммунал фойдаланиш, ободонлаштириш бошқармалари ва «Махсустранс» автокорхонаси раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилди, дейилган туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Иноятов имзоси билан келган жавоб хатида. Мақолада келтирилган камчиликлар умумшаҳар миқёсида қайд этилган бўлса-да, туманимизда ҳам бу каби ҳолатлар учраб туриши эътироф этилди. Келгусида бундай нохушликларга йўл қўймаслик мақсадида мутасадди раҳбарларга фаррошлар ва мироблар ўртасида мақолани муҳокама этиш, кўчалар ва ариқларни тозалаш ишлари устидан назоратни кучайтириш ҳамда дов-дарахтларни суғориш учун ариқ сувларидан фойдаланилмаётган ҳудудларни аниқлаб, сув келтириш масаласини ҳал қилиш вазифаси юклатилди. Ҳозирда бу ишларнинг ижроси бўйича назорат олиб борилмоқда».

* * *

Чилонзор тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Ғ.Исмоилхўжаев имзоси билан юборилган жавоб мактубида шундай дейилган: «Ҳақиқатан ҳам газетадаги танқидий мақолада кўтарилган мавзу долзарб, келтирилган ҳолатлар тўғри. Шу боисдан ҳам мақола туман ободонлаштириш бошқармаси ишчи-ходимлари билан биргаликда муҳокама қилинди. Бошқарма тизимида қисман ўзгаришлар бўлди. Қўл кучи билан тозалаш (фаррошлар) ва ирригация бўлими бириктирилиб, санитар тозалаш бўлими ташкил этилди. Туманда санитар тозалаш бўлимининг 5 та шохобчаси бўлиб, 30 дан ортиқ марказий ва туман миқёсидаги кўча, хиёбон ва майдонларда санитар ҳолатни таъминлаш бўйича иш олиб борилиб, ҳар куни белгиланган жадвал асосида 4-5 та автомашина ишламоқда. Танқиддан тўғри хулоса чиқарган ҳолда бундан буён санитар тозалаш бўлими фаррош ва ирригаторлари ҳамжиҳатликда ишлаб, тўпланган ахлат ва чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетиш ишлари назоратга олинди».

* * *

Шунингдек, ушбу танқидий мақола юзасидан шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси, шаҳар ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлашмаси мутасаддилари ҳам жавоблар йўллаб, кўрилган чора-тадбирлар юзасидан маълумотлар беришган. Жумладан, келгусида мақолада кўрсатилган нохуш ҳолатларни бартараф этиш чоралари белгиланганлиги қайд этилган.

***Мирзо Улуғбек туманида 2001 йил январда 9 та кўп қаватли бинони бирлаштирган «Олтин чўлпон» уй-жой мулкдорлари ширкати ташкил этилаётганда «Ширкат нимаю ЖЭК нима? Бунинг қандай фойдаси бўларди? Яна ўша эски тос, эски ҳаммом, бирон ишингиз тушса югур-югурдан чарчайсиз, ваъдалардан кўнглимиз озади...» сингари гапларни гапирганлар кўп бўлди.***

*Ширкатларда*

## УЙ КЕНГАШЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Лекин секин-аста турар жойларда бўлаётган ўзгаришларни, хизмат кўрсатишдаги сифат ва тезкорликни, яшовчилар фикр-мулоҳазаларига эътиборни кўрган хонадон эгалари уй-жой мулкдорлари ширкати истиқболига ишонч билдириб, у билан ҳамжиҳатликни афзал кўришди. Шу боисдан ҳам ширкатга бирлашган кўп қаватли бинолар сони 34 тага етди. Уларда 1562 та хонадон эгалари истиқомат қилишади.

Ушбу ширкатда ишларнинг намунали йўлга қўйилганлигини шундан сезса бўладики, улар ўтган йилда Урбан институти (Тошкент)нинг республикамизда ўтказган «Энг яхши уй-жой мулкдорлари ширкати» танловида ғолиблар қаторидан ўрин олиб, учинчи ўринни қўлга киритди ва «Сорос» жамғармасининг 10 минг долларлик грантини олишга муваффақ бўлишди. Албатта, ушбу маблағ ширкат тасарруфидаги уй-жойлар ҳолатини яхшилашга сарфланиши кўзда тутилган бўлиб, барча уйларнинг йўлакларига темир эшиклар ва қулфли кодлар қўйиш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозиргача бу иш 60-, 62-уйларда амалга оширилди.





— Биз Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун асосида иш юритиб, — дейди ширкат раиси Солиҳ Воҳитов, — ҳар бир уй учун ҳисоб-китоб карточкасини жорий этганмиз. Ана шунга кўра яшовчилар тўлаган фойдаланиш харажатлари пули қаерга кетаётганлиги тўғрисида аниқ графалар асосида маълумотлар қайд этилади. Ҳар бир уйда 3-5 кишидан тузилган уй кенгаши аъзолари билан шартнома асосида ишланади. Йилнинг ҳар чорагида уларга карточка берилиб, харажатлардан қолган пул миқдори кўрсатилади. Ана шу пулни нимага ишлатиш кераклигини эса уй кенгаш аъзолари яшовчилар билан келишган ҳолда қарор асосида ҳал этишади. Кимдир йўлаклар таъмири, кимдир болалар ўйингоҳлари ва бошқа ишлар учун сарфлашни маъқул кўради. Шу боисдан бўлса керак, аниқ ҳисоб-китоблар асосида олиб бориладиган иш ўз самарасини бермоқда. Негаки, яшовчилар ўзлари тўлаган пулнинг қаерга сарфланишини аниқ билишади. Баъзи ширкатларда умумий ҳисоб-китоб юритилиб бир уйда яшовчилардан тўпланган пул навбати билан бошқа турар жой биноси капитал таъмири учун сарфланиши ҳеч кимга сир эмас. Бу эса яшовчилар ўртасида норозиликларга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам мулк эгаси — ширкат аъзоси уни ўзи ҳал қилгани маъқул. Тасарруфимиздаги 2 та уйда яшовчилар йўлакларини ширкат фаррошлари тозалашига келишди. Бунинг учун эса уларга бошқа ширкат аъзоларига қараганда бирмунча кўп фойдаланиш харажатлари тўланиши уқтирилди, негаки, фаррошларга иш ҳақи берилиши керак-да. Бунинг учун эса мулкдорлар билан алоҳида шартнома тузилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир турар жой биноси уй кенгашининг шартномаси муҳим ҳужжат ҳисобланади. Унда яшовчилар ва уй-жой мулкдорлари мажбуриятлари тўла кўрсатилган бўлади. Шунингдек, шартнома олиб бориладиган ишнинг барча турларини белгилаб беради, унда уй кенгаши илтимоси билан бажариладиган алоҳида буюртмалар учун ҳам пункт ажратилган.

Ширкат раиси Солиҳ Воҳитов 30 йилдан буён коммунал хўжалиги соҳасида тажриба тўплаган. Унинг ўзи ҳам ширкат тасарруфидаги уйлардан бирида яшайди. Шунингдек, ширкат ривожи йўлида меҳнат қилаётган 48 нафар ходим ҳам шу ердаги уйларда истиқомат қилувчи мулкдорлар саналади. Албатта, масъулиятни ҳис этиш, яшовчилар ишончини оқлаш ўз-ўзидан бўлмайди. Шунинг учун ҳам Солиҳ ака ҳар куни 2 марта ширкатнинг 14,5 гектарлик ҳудудини айланиб чиқади, яшовчилар билан дилдан гаплашади, фикр-мулоҳазаларини эшитишдан чарчамайди.

— Мақтанишга йўймангу, — дейди Солиҳ Воҳитов, — барча ертўлаларимизни тозалаб, қуруқ ҳолда сақлашга одатланганмиз. Ҳозирда 4 та уйни 1-титул бўйича капитал таъмирдан чиқаряпмиз. Уйларимиз ён-атрофини ободонлаштириш, гуллар экишга алоҳида эътибор қаратамиз. Яна бир нарсани айтишим лозимки, ҳудудимиздаги гаражларни ўз тасарруфимизга ўтказишда бироз муаммоларимиз бор. Ҳозирда мавжуд 720 та гараждан 230 тасигина ширкатга ўтган. Туман ҳокимининг қарори бўлишига қарамай туман гаражлар бошқармаси гаражларни бизга беришни хоҳламаяпти.

Шуниси эътиборлики, ширкатга келган ҳар бир яшовчи бу ерга осиб қўйилган кўргазмалардан барча маълумотларга эга бўлиши мумкин. Бу ерда коммунал хизматлар нархларидан тортиб, «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун, ҳаттоки ширкат раиси ва ходимларининг ойлик маошигача кўрсатиб қўйилган. Буюртма бўйича ширкат ходимини хонадонига чақирган яшовчи эса чақириқ учун кассага 200 сўм тўлаш билан бирга, белгиланган тариф асосида квитанцияда белгиланган ҳақни тўлайди. Шунингдек, ёлғиз кексалар, ногирон ва кам таъминланган оилаларга имтиёзли хизматлар кўрсатиш белгиланган.

Ҳисоб-китобнинг тўғри йўлга қўйилиши, режанинг ҳамжиҳатликда белгиланиши ширкатга бўлган ишончни оширмоқда, десак муболаға эмас. Ўтган йил якунларига кўра умумий мажлис ўтказилиб, ширкат раиси ўз аъзолари олдида ҳисобот берди, режалар тасдиқланди. Унга кўра 2007 йилгача яна 14 та уй капитал таъмирланиши, 2004 йилда 1480 квадрат метр том ёпилиши, йўлакларга 52 квадрат метр ойна ўрнатилиши, эшиклар таъмирланиши, жорий таъмирлаш ишларини вақтида бажариш режаланган. Бу вазифаларнинг уддаланишида эса ширкатга аъзо бўлган ҳар бир уйнинг ўз улуши бор. Чунки улар «Ўз уйимиз — ўзимизники, уни ўзимиз асрашимиз керак», деган шиорга риоя қилишади.

Ширкатнинг Урбан институти (Тошкент) билан ҳамкорлиги ўз самарасини бермоқда. Айниқса, институт вакилларининг яшовчилар билан ўтказаётган семинарларида қатнашаётган яшовчилар ширкат ҳақида, ўз бурч ва масъулиятлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлишмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ширкатда ўтган йиллар давомида яхши жамоа таркиб топди. Уларнинг тажрибаси ортди, яшовчилар уларга ишонч билдирмоқда. Биргина мақолада ушбу ширкат фаолиятини, амалда режалаётган юмушларини айтиб тугатиш қийин. Агарда «Олтин чўлпон»га ташриф буюрсангиз, ҳаммасини ўзингиз кўриб, яшовчилардан эшитиб гувоҳи бўласиз. Энг муҳими эса, улар яхшиликка, эзгуликка интилишаётганидир.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: ширкат раиси (ўртада) Солиҳ Воҳитов иситиш мавсуми тугаши муносабати билан белгиланган юмушлар хусусида ходимларга топшириқлар бермоқда; уй-жой кенгаши раиси Бердор Жабборов ва иқтисодчи Альмира Шокирова ҳисоб-китоб ишларини кўздан кечиришмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

# СОҲИБҚИРОН КЕЛИНИ

***(“Улуғ салтанат” тарихий романининг иккинчи китобидан парча)***

**Охири. Боши ўтган сонда.**

Бироз ғамгин сукунат чўкди.

Шу пайт Холдона биби қўлидаги гўдак нимадандир йиғлаб қолди. Хонзода хоним соҳибқирон бағридан сирғалиб чиқиб ўғилчаси томон талпинди... Энага сўзланар эди:

— Қойинчангиз очдиму, шаҳзодам?.. Қойинчангиз очдиму?.. Вой, қойинчаси очибди...

Холдона биби бурчакка бориб тўшакка ўлтирди-да, йиғлаётган гўдакка кўкрак тутди. Шаҳзодани энага эгачи эмизар эди.

— Аллоҳдан унинг қилган ишлари ҳақида, нега шундай қилдинг, деб сўралмас экан, опажоним, ҳали ўзингиз шу ҳақда сўйлағон эрдингиз... Ҳа-а...— деди жимликни бузиб Амир Темур. — Муҳаммад Султон, Аллоҳдан умидим бор, менинг суянчиғим, валиаҳдим бўладир!..

Хонзода хонимнинг шўрлик қалби қандайдир ғурурдан ожизгина титради. Ростдан ҳам, унинг фикрича, - буни бировга айтгани йўқ, - Жаҳонгир Мирзо соҳибқироннинг шаръий никоҳдан туғилган фарзанди бўлганлиги сабабли валиаҳд саналган эди, у тахт вориси ҳисобланарди. Муҳаммад Султон эса ўша валиаҳднинг ўғли...

— Худо хоҳласа, суянчиғингиз бўладир!..Валиаҳд бўладир! − деди эгачи. − Қандай суянчиғ, денг? Чинордай суянчиғингиз бўладир, ҳа!

— Яқиндагина шаҳзодам йигит бўлиб ёнингизга кириб қоладир, ҳазратим!.. - Саройлмулкхоним қувончини яширмади.

— Бандаси айтғони бўлавермас экан-да... − деди оҳиста Амир Темур, бу “вазиятни ўнглаш”нинг давоми эди. − Қуда-андачилик ришталарини боғлашимиздан катта ниятлар қилғон эрдик... Бу дунёда бирлашмак улуғ ҳикматдир, бўлинғонни бўри ер, дейдилар. Агар хоразмшоҳ Юсуф Сўфи билан яқин бўлсайдик, агар у оқилона кенгашларга қулоқ солсайди, қудалар бир бўлиб юртимизни ёғийлардан асрай олар эдик-ку!... Мана ҳозир мен билмағон, синамағон чингизийлардан бирига умид боғлаб ўлтирибмен. Йироқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши эмасмуди?.. Агар қудамиз билан тил топишғонимизда Жетани ҳам бир ёқли қилмасму эрдик, Дашти Қипчоқ томонлар ҳам осойишта бўлмасму эрди?.. Юрт-эл, улус эмну омонлиғда кун кечирмасмиди?.. Ёғийларни тинчитиш ўрнига, ўзимиздан чиққан балолар билан савашмоғим лозим бўлиб турибди. Гоҳ Бухорога чопамен, гоҳ Хейваққа... Ҳолбуки, Аллоҳ Қуръони каримни ўқимакдан ва фақиру мискин ғамини емакдан ўзга ташвишни менга раво кўрмағон. Чорасизмен, ўзга иложим йўқ, тағин гуноҳ остонасида турибмен, тағин қўл ихтиёрсиз қилич қабзасига югурадур.

Амир Темур сандал устида турган қўлларини дамба-дам бир-бирига ишқаркан, хаёлга чўмди...

Маҳди улё, Амир соҳибқиронни чалғитишим керак бўлиб қолди, деди ўзича ва шикаста овозда сўради:

— Агар оёқларин уқалаб қўйсам жойиз бўлурму, ҳазратим?..

У ҳозир соҳибқироннинг ўнг оёғи бир пайтлар санчилган найза асорати туфайли зирқираб оғриб турганини сезди, ҳазрат оёқларини Сароймулкхонимнинг силаб қўйишини истар эди-ю, аммо барчанинг олдида жони қийналганини кўрсатгиси келмади, деб ўйлади ва ортиқ қистамади. Рости, маҳди улё эсласа, фақат хос хонада ёлғиз бўлганларидагина Сароймулкхоним ҳазратнинг ногирон оёқларини уқалаб қўяр экан...

— Йўқ, Биби... . Қудамизда ҳам балки айб йўқдур. Ҳамма гап унинг ёнига тўпланиб олғон сотқин иғвогарларда!.. Барини биламен!.. — Амир Темур яна ўз фикрини давом эттираркан, қўли беихтиёр иягига чўзилди. − Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав, Маҳмудшоҳ Бухорий, Абу Исҳоқ Ясовурийлар хоразмшоҳнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, бизга қарши гиж-гижлағони гиж-гижлағон. Уларнинг мақсади юртни пароканда қилмак, кейин бир бўлагига эга бўлиб даврон сурмак холос...

Хонзода хоним соҳибқирон чекаётган азоб-уқубатларни яхши ҳис этиб турарди. Шубҳасиз, Хоразм маликаси биладики − ўн етти ёшли келинчакка қийин, бошига оғир савдо тушди − Жаҳонгир Мирзоси кетди... Аммо Хонзода хоним, ақлу идрокининг теранлиги, фаҳму фаросатининг ўткирлигидан кўрдики, Амир Темурнинг дарди-ю ташвиши уникидан кўра залворлироқ экан!.. У буни энди тушуниб етди. Малика қайинотасини шунчалар яхши кўрар ва эъзозлар эдики, унга тикон киришини ёки совуқ шамол эсишини ҳам раво кўрмасди. Дунёда унга яқин уч одам бор холос: Амир Темур, Сароймулкхоним ва волидаси Шакар бика... Кошки эди, қўлидан келса-ю, Амир соҳибқирон дардларини енгиллатса!..

Бирдан унинг хаёлига мавзуни ўзгартириш лозим, деган фикр келди. У шундай фикр бўлсинки, бу гапларни эсдан чиқарсин, Амир Темур кўнглига ёруғлик олиб кирсин.

Хонзода хоним Сароймулкхонимга ўғринча назар ташлади, маҳди улё сезилар-сезилмас “Ҳа!” дегандай бош ирғаб қўйди. Амир Темур кузатар экан, улар ўртасида қандайдир сир борлигини фаҳмлади.

Чиндан ҳам, сир бор эди.

Боғи Чинорга кўчиб ўтганидан кейин, малика кўп дамларини маҳди улё бирга ўтказарди. Кунлардан бир кун билан суҳбатлашиб ўлтиришарди, ўз-ўзидан гап айланиб, соҳибқироннинг ўғиллари, қизларига келиб қолди. Аслида эса бу Сароймулкхонимнинг иши эди. У Хонзода хонимга бундай деди:

— Аллоҳнинг кўрсатғонига шак келтириб бўлмайдир, фақат тан олмак лозим. Жаҳонгир Мирзо мусибати салтанатга бало-офатдай ёприлиб тушди. Ҳаммамизни шу алам чулғабдур, қўллар ишга бормайдур, кўнгиллар ғаму андуҳдан зада... Жудоликнинг исканжаси барчамизни, бутун салтанатни чирмаб олғон...

Сароймулкхоним уф тортди... Хонзода хоним бош эканча тинглар эди.

— Бонуйи кубро эгачи дедиларки, ҳаммаси пешонадан, фақат соҳибқиронга қийин, ота-оналари вафотидан сўнг валиаҳд деб атағон жигарбандини тупроққа қўйиш унга энг оғир кулфат бўлди. Бандаси эртанги кунни ўйламоғи фарздур...

Хонзода хоним маҳди улё сўзларини тушунолмай ўлтирса-да, гоҳ-гоҳ “тўғри” дегандек бош ирғаб қўяр, Сароймулкхонимнинг нимадир демоқчи бўлаётганини, ийманиб, ниятини очиқ айтолмаётганини кўриб турар, аммо буни сездирмасди.

— Бир нарсани ўйлағон эрдим... − давом этди Сароймулкхоним. − Эгачимга кенгаш солдим, ул зот ниятимни жўяли топдилар... Маликам, билурсиз, ҳазратим сизни бағоят ардоқлайдурлар, авайлайдурлар. Кўнглингизга бирон хиралик тушиб қолмаслигини ҳамиша уқтирадурлар...

— Аллоҳга шукур... Биламен. Мартабалари бундан ҳам зиёда бўлсун!..

— Энди, Амирзодам маросимларини ўтказдик... Кун кетидан кунлар келмакда... Агар сизга мақбул бўлса, бир кенгашим бор эди-да...

— Қулоғим сизда...— Малика шаҳло кўзларини Сароймулкхонимга тикди.

— Амир соҳибқирон ўғиллари Умаршайх Мирзо шиддатлари баланд, Мироншоҳ Мирзо бўлса ҳали ёшлар... Аммо қизлари бўй етиб турибди... Айниқса, Оқа Беги хоним... ҳам унашиб қўйилғон...

— Оҳ, Оқа Беги хоним меҳрибон қайинсинглим!.. − ёришди бирдан Хонзода хонимнинг юзлари. − Ҳалим табиат, юмшоқ кўнгил, тортинчоқлигини айтсангиз... Ҳамиша маъюс ҳолда кўрамен, қоп-қора мунчоқдек кўзлари ҳамиша мунгли... Амирзодамга қаттиқ қайғурди, юпатғонга кўнмайдир. Кечалари ҳеч кимга билдирмай йиғлаб чиқадир...

— Шундоқ акасидан жудо бўлади-ю йиғламайдирму? Айниқса, сингил ака учун ёмон куядир...

— Чора йўқ экан-да, эвоҳ!.. − Хонзода хоним бошқа сўз қўшмади.

— Оқа Беги хонимни, биласиз, Муҳаммадбек ибн Мусога унашилғон эди.

— Биламен...

— Кўнглингизга малол келмаса, уларнинг тўйини қилсак, девдим...

— Вой, нега малол келсун?.. Вой нега ундоғ дейсиз?.. − Хонзода хоним астойдил ўпка қилар эди. −Жуда яхши ўйлабсиз, маҳди улё жанобу олиялари!.. Қандай яхши! Бечора синглим ҳам сал қайғу-аламларни нарига қувадир...

— Кам бўлмангиз, маликам. — Сароймулкхоним бир лаҳзага жим қолди. — Бироқ....

— Нечун ўйланиб қолдилар?

— Ҳазратим, ҳали айтғонимдек сизни жуда авайлайдилар... Бу ерда тўй ҳақида фақат бир одамгина оғиз очиши мумкин. Агар бизлар шундоқ тўй қилурмиз, десак, ул зот сизни авайлаб, ранжитиб қўймасмиканмиз... демасмиканлар?..

— Нега?.. Ундоғ демасалар керак...

— Билмаймен. Тўй ҳақида оғиз очиши мумкин бўлган одам, бу фақат − сиз... маликам! Борди-ю, Оқа Беги хоним тўйини ҳазратимга... сиз айтсангиз, қандай бўларкин... Фақат сиз айтишингиз мумкин-да...

Гапнинг рости, Хонзода хоним бу ҳақда ҳеч ўйламаганди... Лекин муҳтарама Орзумулк оқа уни кўргани келганида гап орасида, ўғлини Оқа Беги хонимга унашиб қўйганларини айтганди.

Дунё шунақа экан... Ўтган қайтиб келмаскан, қисматга бўйсунмай чора йўқ, деб ўйлади Хонзода хоним, подшо-ю гадони, асилзода-ю фақирни бир хил баҳога сотиб оладиган қудратли харидор - ўлим от солар экан, бандаси ҳеч қаерга қочиб қутулолмайдур. Энди Аллоҳдан умид улдурки, амирзода руҳларини биҳишту ризвон уфорлари ила сийласун, мағфират чечаклари хуш бўйи ила обод этсун.

— ...Фақат мен айтишим мумкин... дедингизму?

— Албатта, маликам! Сиз айтсангиз, Амир соҳибқиронга малол келмайдир, аксинча, келиним қайинсинглисига меҳрибонлик кўргизаётир, дея мамнун бўладурлар, ҳимматингизга тағин қойил қоладурлар... Шу билан ўзингизни ҳам, соҳибқиронни ҳам аяган бўлурсиз, бу фақат савобли юмушдир, маликам!

Хонзода хоним, индамасдан, розимен, дегандай бош эгди...

Хонимларнинг мусибатли воқеалардин кейин тўйлар ҳақида илк бор сўзлашишлари эди. Орадан бироз парда кўтарилгач, ҳар иккиси ҳам ўз кўнгилларида яширин ниятларини бир-бирларига айтиб бердилар. Хусусан, Сароймулкхоним ҳазрат мулозими Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг сулув энага Холдона бибига майлу рағбати тўғрисида гапирди. Бу ҳақда энаганинг ўзи маҳди улёга ёрилибди...

Сароймулкхоним табиатан ёрдамга муҳтож кишилар ҳожатини чиқаришни яхши кўрар, ҳамиша ўзини бундай савоб ишларга урар эди. Синчков назар ташлаб юрар экан, ўз мулозиму канизаклари орасида шундай тақдирга муносиб кишиларни дарров илғаб олар ва тўйларини ўтказиб берарди. Боғи Чинор атрофидаги маҳаллаларда доим мана шундоқ тўйларга бош-қош бўлади, етим-есир, беваб-бечоралар ҳолидан хабар олиб туради. Бир куни қирқларга кирган муштипар аёл маҳди улёга келиб, биргина ўғли борлиги, маҳаллада номи чиққан зангин одам қизига ошиқ бўлганлиги, аммо у одам рўйхушлик бермаётгани, ёлғиз ўғлининг эса озиб-тўзиб бораётгани ҳақида йиғлаб арз қилди. Сароймулкхоним ҳалиги қизга совчи бўлиб борди, тўй ҳам бўлиб ўтди... Муштипар аёлнинг ҳали-ҳануз дуодан қўли бўшамайди...

Йигирма бешга кирган Холдона бибини бир неча йиллар аввал суйган йигитига узатган эканлар. Қиз тақдиридан жуда ҳам мамнун экан, чақалоқлари бўлибди, бўлибди-ю, афсуски, беш ойлик эканлигида кетиб қолибди. Ўша йили фалокат юз бериб, куёви ҳам Хоразм юришида ҳалок бўлибди... Қайғуга чўмган бебахт қиз, олти йилдирки, бошқа эр отини атамаймен, деб келаркан. Муҳаммад Чуроға додхоҳ сулув энагани суюб қолибди... Додхоҳнинг хотини уч йил аввал оламдан ўтган бўлса-да, ҳали ҳануз уйланишни истамас экан...

Хонзода хоним ҳам қуйидагиларни гапириб берди. Жаҳонгир Мирзонинг ўнбошиси Ахий Жаббор баҳодир билан маликанинг канизаги Оққиз ўртасида шаффоф кўнгил пардаси бор... Улар бир-бирларини жуда яхши кўрадилар. Амирзода баҳодирга энг яқин мулозимларидан бири сифатида қарар, унга ишонарди. Баҳодир ҳам ҳеч қачон панд берган эмас, ўзини аямай амирзода хизматини адо этарди. Хоразмда қайсария карвонсаройидан кейинги муюлишда Зангори кўл бўйига боришаётган Хонзода хоним ва унинг дугоналарини «қароқчи»лардан “қутқариб” қолган ҳам шу баҳодир эди... Мотам кунларидан кейин, баҳодир юкуниб келиб: “Малика жаноби олиялари, амирзодам хизматкорларимен... Ижозат берсалар, амирзодам ҳурматлари, хизматингизда қолсам... Сизни худо ўз паноҳида асрасун, мени бошқа ёққа бериб юбормангиз!..” дея илтижо қилди. Албатта, амирзода ҳурматлари, айни бир пайтда уни бу ерга боғлайдиган бошқа сабаб ҳам бор, бу − баҳодирнинг Оққизга муҳаббати... Хонзода хоним йиллар ўтиб канизакликдан сирдош дугонага айланган Оққизнинг баҳодир номини эшитганда титраб кетишини ҳам яхши билади.

— Оқа Беги хоним билан Муҳаммадбек ибн Мусо тўйлари бўлса, бошқа тўйларга ҳам йўл очилади... − деди Сароймулкхоним. − Раоё-бароё, фуқаро ҳам мотаму ғам тўрига ўралиб қолди...

— Аллоҳнинг буюргани шу экан-да... − деди холос малика... − Не десалар, розимен...

Хонзода хоним Сароймулкхонимнинг уни қанчалар авайлашини яна бир бор ҳис этди. Таклифни ҳам узоқдан олиб келиб айтдилар. Ҳа, одамни авайлаш - Аллоҳнинг иноятларидан бири, пайғамбаримиз суннатларидандир...

...Ана шуларни эслар экан, Хонзода хоним ийманганча Амир Темурдан сўради:

— Эй падари бузруквор! Валинеъмат соҳибқирон... Бир нарса сўрасам бўлурму?..

— Сўрангиз, — деди диққат билан тикиларкан соҳибқирон... “Хайрият, нима сўраса, адо этгумдир. Кўнгли сал ёзилсин...”

— Ҳусну сийратда ва суратда ягона қайинсинглим Оқа Беги хонимнинг тўйлари қачон бўладир?..

Кутилмаган бу саволдан нафақат Амир Темур, балки Қутлуғ Туркон оқа ҳам, бошқалар ҳам ҳайратга тушдилар. Хоразм маликасининг ҳимматини кўрингиз! Ўзи азада ўлтирибди, шу нарса қайинсинглиси бахтига зомин бўлиб турибди, тўй ахир баҳорда бўлиши мўлжаллланганди-да. Қолиб кетди. Бу ҳақда оғиз очишга ҳеч ким ботина олмаётир. Энди олийжаноб малика ўз ҳасратларини қалбининг бир пучмоғига жойлаб сасини чиқармасликка тиришмакда ва қайинсинглиси тўйи ҳақида ўзи тараддуд кўргизмакда, айтмакда...

Сароймулкхоним ерга қараганча мийиғида сезилар-сезилмас жилмайиб ўлтирар эди.

— Бўладир, қизим, албатта, яқинда бўладир!.. − жавоб қилди соҳибқирон.

Амир Темур Хонзода хонимни энди кўриб тургандай, тикилиб қолди.

Орадан уч ойча вақт ўтганда Оқа Беги хонимни “ёр-ёр”лар билан Муҳаммадбек ибн Мусога узатдилар. Соҳибқирон суюкли қизига бир ҳафта тўй берди. Ўн беш кундан кейин бирин-кетин Оққиз билан Холдона биби тўйлари ҳам бошланиб кетди...

*Спорт*

## ПОЙТАХТЛИКЛАР БИРИНЧИ

**Навоий вилоятида ўт ўчириш амалий спорти бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимларининг чаққонлиги, эпчиллиги ва зукколигини яна бир бор синовдан ўтказиш мақсадида ташкил этилган ушбу мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган жамоалар иштирок этиб, ғолиб бўлиш ниятида муросасиз кураш олиб боришди. Ёнғин ўчириш амалий спортининг 100 метрли масофага тўсиқлар оша югуриш, ёнғин ўчириш эстафетаси ва бошқа йўналишларида ташкил этилган бахслар якунида Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси жамоаси аъзолари барча рақибларидан кўра маҳоратлироқ эканликларини исботлашиб биринчи ўринни қўлга киритишди. Шунингдек, мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган қашқадарёликлар иккинчи, фарғоналиклар учинчи ўринлар билан кифояланишди.

## МУРАББИЙЛАРГА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

***Илгари хабар берилганидек волейбол бўйича халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилувчи Ўзбекистон олимпия терма жамоасига спортчилар орасидан номзодларни саралаш, терма жамоани халқаро турнирларга тайёрлаш масаласига бағишлаб Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида уюштирилган семинар-тренинг ниҳоясига етди.***

Спортимиз мутасаддилари, волейбол бўйича мутахассислар билан бирга ушбу тадбирда мамлакатимизнинг етакчи жамоаларида фаолият кўрсатаётган 32 нафар мураббийлар ҳам иштирок этишди. Унда спортнинг волейбол турини янада ривожлантириш учун қандай ишларни амалга ошириш лозимлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар тингланди. Шунингдек, семинар-тренинг қатнашчилари, мураббийлар таклифи билан Ўзбекистон олимпия терма жамоасига номзодлар сараланди. Дарвоқе, энг иқтидорли, ўз ишининг устаси деб тан олинган мамлакатимиз волейбол жамоаларининг бир гуруҳ мураббийларига Халқаро волейбол федерацияси экспертлари томонидан халқаро Олимпия қўмитасининг сертификатлари топширилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

# ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

***Сахийлик, мурувват каби хислатлар азалдан халқимизга хос. Ёрдамга муҳтож оилаларга, ёлғиз кексаларга саховат кўрсатиб, уларнинг дуоларини олиш олий ҳиммат ҳисобланади. Айниқса Меҳр ва мурувват йилида маҳаллаларда муҳтожларга саховат кўрсатиш ишлари кенг авж олди.***

Акмал Икромов туманида жойлашган аҳил ва файзли гўшалар қаторидан ўрин олган «Ватан» маҳалласида ҳам бу борада кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

— Маҳалламизда 11 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. — Бундай кўп сонли аҳоли ўртасида эса тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатлик муҳим аҳамият касб этади,— дейди биз билан суҳбатда «Ватан» маҳалласи оқсоқоли Озод Ризаев. — Мазкур йилда кўп хайрли ишларни амалга оширишни кўзлаганмиз.



Яқинда, маҳалла томонидан кам таъминланган, меҳр ва мурувватга муҳтож, боқувчисини йўқотган, кўп болали, ногирон ҳамда ёлғиз қарияларга саховат улашиб кўнгилларини кўтардик. Жами 100 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари «Ватан» маҳалласи ҳудудида яшовчи 52 та хонадонга тарқатилди.

Мазкур тадбирда бўлганимизда қарияларнинг юзидаги самимий табассумни, қувонч тўла нигоҳларидан мамнунликни, миннатдорчилик туйғуларини ҳис этдик. Шунингдек, бу ерда кўп миллатли аҳолининг баҳамжиҳат, ўзаро меҳр-оқибатлилигининг гувоҳи бўлдик. «Ватан» маҳалласида аҳолини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш баробарида кўпгина хайрли тадбирларнинг ўтказилиши яхши анъанага айланган. Ушбу Меҳр ва мурувват йилида нишонланадиган миллий байрамларимиз билан бирга, ёши улуғ табаррук қариялар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш ишлари мунтазам амалга оширилади, деб умид қиламиз.

**Юлдуз УСМОН**

**СУРАТДА: «Ватан» маҳалласи оқсоқоли Озод Ризаев ёлғиз кексаларга мурувват ёрдамини топширмоқда.**

*Футбол*

## САФАРДАГИ АЖОЙИБ ҒАЛАБА

***Футбол бўйича мамлакат XIII миллий чемпионатининг 5-тур учрашувлари айтиш жоизки, пойтахт жамоалари мухлисларини яна хурсанд қилди.***

Мамлакатимизнинг етакчи жамоаси «Пахтакор» ушбу турда Жиззахда «Сўғдиёна» меҳмони бўлди. Шуниси қувонарлики, жорий йилда ҳам мамлакат чемпиони бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган пахтакорчилар учрашувни уюшқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтказишди. Мезбонлар дарвозаси томон уюштирилган кетма-кет ҳужумлар, чиройли комбинациялар самара бериб, аввалига Зайниддин Тожиев, сўнгра Марат Бикмаевлар томонидан киритилган икки гол ўйин охиригача жавобсиз қолди ва тошкентликларга яна муҳим уч очкони ҳадя қилди.

**ЎТГАН КУНИ**

эса 5-турнинг қолган учрашувлари ўтказилди ва унда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Насаф» — «Сурхон»— 4:0, «Навбаҳор» — «Локомотив»— 0:0, «Қизилқум» — «Андижон»— 4:1, «Бухоро» — «Машъал» —2:2, «Трактор» — «Металлург»— 1:0, «Самарқанд — Динамо» — «Нефтчи»— 0:1.

Навбатдаги 6-тур беллашувлари 15, 16, 17-апрель кунлари ўтказилади.

**Анвар ЙЎЛЧИЕВ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
TOSHKENT
МБМ

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» Сизларни биржа савдоларига таклиф этади.**

**БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ШАҲРИМИЗ БОЗОРЛАРИДАН ЖОЙЛАР ҚЎЙИЛГАН:**

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 74-уйда жойлашган, **«Parkent ixtisoslashgan bozori» ОАЖ** ҳудудида янги қуриладиган турғун савдо дўконларини қуриш ҳуқуқи:
- майдони 9 квадрат метр (3х3) бўлган ноозиқ-овқат буюмлари дўкони қуриш ҳуқуқи,
бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм;
- майдони 36 квадрат метр (6х6) бўлган қурилиш моллари дўкони қуриш ҳуқуқи,
бошланғич баҳоси — 3 500 000 сўм.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели, 3-уйда жойлашган, **«Avtomakon» СЯМ ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори)** ҳудудида жойлашган, ҳар бирининг майдони 18 квадрат метр бўлган дўконлар,
ҳар бир дўконнинг бошланғич баҳоси — 3000000 сўм.

***Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11.00 дан 12 гача ҳамда соат 16.00 дан 17.00 гача. «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.***

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.
Телефон: 132-25-51. Факс: 133-20-74.
www.tshmbm.uz; E-mail: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz**

«UMID-DOST» хусусий фирмасига С.Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан берилган далолатнома, шаҳар Корхоналарни рўйхатга олиш бошқармаси томонидан берилган гувоҳнома, шаҳар Статистика бошқармаси томонидан берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
4409 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-507. 1 2 3 4 6